Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 18 ноябрь, № 243 (9414) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎМОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саиднинг таклифига биноан 16-17 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.





Ўзбекистон ва Ўмонни минглаб километр масофа ажратиб туради. Бироқ икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг илдизи асрлар қаърига бориб тақалади. Моваройуннаҳр алломаларининг илмий мероси, Самарқанд ва Бухоро меъморчилик анъаналари ҳамда қадимий савдо йўллари бу икки халқни азалдан ўзаро боғлаб келган. Бугунги кунда эса ана шу тарихий яқинлик сиёсий мулоқот, инвестиция, савдо ва маданий ҳамкорлик соҳаларида ўз аксини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари ва Ўмон Султони 17 ноябрь куни Масқат шаҳридаги “Ал-Аълам” саройида тор доирада учрашув ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказдилар.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари самимий қабул ва кўрсатилаётган юксак эътибор учун Султонга миннатдорлик билдириб, Ўмон етакчиси ва дўст халқини яқинлашиб келаётган байрам — Ўмон миллий куни билан чин дилдан қутлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот ва идоралараро алмашинувлар фаоллашгани, товар айирбошлаш ҳамда инвестициялар ҳажми барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги ташриф арафасида Масқатда Ҳукуматлараро комиссиянинг олтинчи йиғилиши, қатор ишбилармонлик ва маданий тадбирлар ташкил этилди.

Жорий йил июль ойидан икки давлат пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри авиапарвозлар йўлга қўйилгани юқори баҳоланди.

Амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида савдо, инвестиция, транспорт ва логистика, энергетика ҳамда электротехника, кимё ва тоғ-кон саноати, шаҳарсозлик ва туризм, қишлоқ хўжалиги, космик тадқиқотлар ҳамда рақамлаштириш соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компаниясининг устав капиталини икки баробарга ошириб, 500 миллион долларга етказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўмон маблағлари иштирокида тузилган Марказий Осиё ва Кавказ инвестиция жамғармаси фаолиятини тез фурсатларда йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш учун маданият ва санъат ҳафталикларини ўтказиш, ёшлар форумини ташкил этиш, ноёб қўлёзмаларни рақамлаштириш ва биргаликда тадқиқ қилиш, қадимий шаҳарлар ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” формати ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги билдирилди.

Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш бўйича тарихий қарор қабул қилдилар.

Олий даражадаги келишувлар ижросини таъминлаш учун “Йўл харитаси”ни қабул қилиш ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгаш механизмини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Ўмон Султонини мамлакатимизга давлат ташрифи билан келишга таклиф этди.

Масқат шаҳрида ўтказилган олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, ҳамкорликнинг барча жабҳаларини ривожлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, маросимда ўзаро визадан озод қилиш, саноат кооперацияси, молия ва иқтисодиёт, имтиёзли савдо, эркин иқтисодий зоналар, божхона, транспорт-логистика, коммуникациялар ва ахборот технологиялари, уй-жой ҳамда шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, меҳнат ва инсон ресурслари, таълим, маданият ва спорт, бошқарув ва давлат хизмати, архивлаштириш ҳамда бошқа соҳалар бўйича қабул қилинган 30 дан зиёд ҳужжатлар алмашилди.

Ўмонга давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Масқатдаги Анжуман ва кўргазмалар марказида ташкил этилган Ўзбекистон саноат кўргазмасига ташриф буюрди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ИНСОН ЭРКИНЛИГИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кеча Олий Мажлис Сенатида Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилиш

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида одам савдосига қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муносиб меҳнат тамойилларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлилга тортилди. Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг ахборотлари эшитилди ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида меҳнат муносабатлари бўйича миллий қонунчиликни Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари талабларига мувофиқлаштириш, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилган. Жумладан, касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш тартибини енгиллаштириш, меҳнат соҳасида камситиш ва тазйиқнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, норасмий бандликни қисқартиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Одам савдосига қарши курашиш йўналишида ҳам қонунчиликни такомиллаштириш, жабрланган шахслар ҳимоясини ва уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмларини кучайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

2

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугун халқаро муносабатлар тизимида Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ўзининг прагматик, очиқлик тамойиллари билан майдонга чиққан. Айниқса, Яқин Шарқ ва Кўрфаз араб давлатлари билан алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Биз ва жаҳон

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саиднинг таклифига биноан 16-17 ноябрь кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқелик бўлди. Бу ташриф халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

2

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун



Ҳар бир халқнинг ўзлигини, тарихий хотирасини, миллий қадриятлари ва орзу-интилишларини намоён этадиган муқаддас тимсоллари бўлади. Ана шундай қадриятлардан бири — Давлат байроғи. У шунчаки давлатни бошқа мамлакатлардан ажратиб турувчи белги эмас, балки миллатнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қиёфаси, мустақилликка интилиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассамлаган умуммиллий рамздир.

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА БИРЛИК ТИМСОЛИ

1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу тарихий қарор халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлатчилигини тиклаш ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаш иродасини намоён этди.

Байроғимизда фақат ранглар уйғунлигини эмас, балки халқимизнинг бой тарихи, миллий тафаккури, маънавий қадриятлари ва эзгу мақсадларини кўрамиз. Ундаги белги ҳамда рангларда тинчлик, поклик, ҳаёт, янгиланиш, эзгулик ва тараққиёт каби умуминсоний қадриятлар мужассам.

Унинг миллий қадрият сифатидаги аҳамияти, аввало, халқимизни тарихий хотира ва умумий мақсадлар атрофида бирлаштира олишида намоён бўлади. Дунё майдонларида яловимизнинг баланд кўтарилиши алоҳида маъно касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар қароргоҳларида, нуфузли анжуманларда, дипломатик учрашувларда Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб туриши мамлакатимизнинг мустақил давлат сифатидаги мақоми ва дунё ҳамжамиятидаги ўрнини ифода этади. Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ғалабаси шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида эса миллионлаб юртдошларимизнинг қалбида бирдек фахр ва ифтихор туйғуси уйғонади. Бу туйғу миллат вакилларини ягона мақсад — Ватан равнақи йўлида бирлаштиради.

Бугунги глобаллашув шароитида ўзликни асраш, миллий қадриятларни ёш авлод онгига сингдириш масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборот макони кенгайиб, турли маданий таъсирлар кучайиб бораётган бир пайтда ёшларимизни тарих, миллий анъаналар ва давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим. Бу жараёнда Давлат байроғи ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда капитал бозоридаги муносабатларни тартибга солишга, мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга, депутат ва сенатор сўрови институтининг таъсирчанлигини оширишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилди.



Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё чегаралари аниқ белгиланмоқда

Мажлисда дастлаб “Сурхондарё вилоятининг Қашқадарё вилояти билан маъмурий-ҳудудий чегараларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими У. Қосимов маъруза қилди.

Мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларида очиқлик ва ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, кадастр тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳудудларнинг маъмурий чегараларини аниқ белгилаш ер ресурсларини самарали бошқариш, мулкий муносабатларни тартибга солиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Лойиҳага мувофиқ, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўртасидаги умумий узунлиги 209,15 километр бўлган маъмурий-ҳудудий чегара чизиғини тасдиқлаш назарда тутилмоқда.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 18 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎМОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН МУНОСАБАТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарига Ўмон Султонлиги Бош вазири ўринбосари Зеязин бин Ҳайсам Ол Саид ҳамроҳлик қилди.

“Made in Uzbekistan” номи билан ташкил этилган кўргазмада мамлакатимиз тоғ-кон ва металлургия, электротехника ҳамда электроника, энергетика, транспорт, логистика ва авиация, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати соҳаларида эришилган натижалар, тайёр маҳсулотлар ҳамда Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш режалари намойиш қилинди.

Икки мамлакат йирик компаниялари вакиллари қўшма лойиҳаларини тақдимот қилиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан ахборот берди.

Президентимиз Ўзбекистон ва Ўмоннинг етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш, тажриба ва технологиялар алмашинувини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Ўмон бизнес форумининг очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Ўмон Султонлиги Бош вазири ўринбосари Зеязин бин Ҳайсам Ол Саид, икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, етакчи компаниялар, молия институтлари ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид билан ўтказилган олий даражадаги музокаралар ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирди.

Жорий йилда ўзаро савдо ҳажми сезиларли ошгани, бироқ мавжуд иқтисодий салоҳият ҳали тўлиқ ишга солинмагани таъкидланди. Шу муносабат билан яқин истиқболда товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб белгилангани қайд этилди.

Ташриф доирасида умумий қиймати 5 миллиард долларлик аниқ лойиҳалар портфели шакллантирилди. Президентимиз энг муҳими келишувлар сони эмас, балки уларнинг амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Шу мақсадда саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, замонавий шаҳарсозлик ва туризм, минерал ресурсларни ўзлаштириш ҳамда молия ва рақамли технологиялар соҳалари ҳамкорликнинг беш устувор йўналиши сифатида таклиф этилди.

Хусусан, электротехника соҳасида Ўмон компаниялари билан кабель ва трансформатор маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш ҳамда уларни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш бўйича келишувларга эришилгани кўрсатиб ўтилди.

Транспорт-логистика йўналишида Ўмоннинг денгиз портлари ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик имкониятларини бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Соҳар шаҳрида логистика инфратузилмасини барпо этиш, ягона савдо-логистика платформасини шакллантириш, шунингдек, авиақатновларни кўпайтириш ва юк ташиш рейсларини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Ўмон инвесторларининг Янги Тошкент лойиҳасидаги иштироки юқори баҳоланди. Янги шаҳарда барпо этиладиган “Масқат” мавзеси икки халқ дўстлигининг ёрқин рамзига айланишига ишонч билдирилди.

Кимё саноати, геология-қидирув ишлари ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Молия ва рақамли технологиялар йўналишидаги амалий ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Жумладан, сунъий йўлдошларни учириш бўйича қўшма корхона ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда.

Президентимиз ўмонлик ишбилармонларни Ўзбекистондаги истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этишга таклиф этиб, ҳар бир инвестор учун қулай ва ишончли муҳит яратиш, қўшма ташаббусларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Ўз навбатида, Ўмонда тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар учун яратилган кенг имкониятлар юқори баҳоланиб, ўзбекистонлик компаниялар ушбу мамлакат бозорига фаол кириб боришга даъват этилди.

Форум икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янги амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи якунига етди.

Масқат халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид кузатиб қўйди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Президентининг Ўмонга давлат ташрифи якунлари икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатдан мутлақо янги, стратегик шериклик даражасига олиб чиқади. Тизимли сиёсий мулоқот 30 дан ортиқ муҳим ҳужжатлар билан мустаҳкамланди, иқтисодий соҳада эса 5 миллиард долларлик истиқболли инвестиция лойиҳалари тўплами шакллантирилди.

Шунингдек, транспорт, туризм ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Ушбу тарихий ташриф ўзаро ишончга асосланган муносабатларга кучли сиёсий суръат бағишлаб, режаларни йирик амалий натижаларга айлантиришда ҳал қилувчи босқич бўлиб хизмат қилади. Зеро, тарихий яқинлик дўстлигимизга мустаҳкам пойдевор бўлса, Масқатдаги олий даражадаги мулоқот ва қўшма лойиҳалар ушбу шерикликнинг келгуси самарасини белгилаб беради.

ЎзА.

ИНСОН ЭРКИНЛИГИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

1

Ўз навбатида, айрим йўналишларда сақланиб қолаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, таълим муассасаларида меҳнат қонунчилиги бузилиши, ишлаб чиқаришда хавфсизлик талабларига риоя этмаслик ҳолатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, ипакчилик тармоғида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, соҳада банд бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ишлар ҳам таҳлилга тортилди.

Рақамли технологиялар ва интернет платформаларидан фойдаланган ҳолда фуқароларни сохта иш таклифлари орқали алдаш, уларни одам савдосига ёллаш, меҳнат ва бошқа шаклларда эксплуатация қилиш, шунингдек, турли жиноий ҳаракатларга жалб этиш ҳолатлари янги хавф-хатарларни юзага келтираётгани таъкидланди. Шу боис одам савдосининг олдини олиш борасида замонавий ёндашувлардан кенг фойдаланиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари талабларидан келиб чиқиб, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳалари кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашда Сенат қўмиталари иштирокини кучайтириш, ҳар бир конвенция бўйича алоҳида ишчи гуруҳ тузиш, миллий қонунчиликдаги бўшлиқ ва номувофиқликларни аниқлаш ҳамда қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, вазирлик ва идоралар, ҳудудий комиссиялар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Акс садо

ЯНГИ БОЗОР — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 16-17 ноябрь кунлари Ўмон Султонлигига давлат ташрифи Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатлари билан алоқаларини кенгайтириш, янги иқтисодий ҳамкорлар топиш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.



Ўмон давлатининг географик жойлашуви, денгиз портлари ҳамда халқаро савдо йўлларига чиқиш имкониятлари Ўзбекистон учун жуда муҳим. Мамлакатимиз денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас. Шу сабабли турли транспорт йўналишларини очиш, халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш иқтисодиётимиз учун катта аҳамиятга эга.

Қолаверса, икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари бир-бирини тўлдиради. Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалигида катта салоҳиятга эга. Ўмон эса молиявий имкониятлари, порт инфратузилмаси ҳамда халқаро савдо алоқалари билан ажралиб туради. Бу имкониятларни бирлаштириш орқали ҳар икки томон учун манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Ҳамкорликнинг учта устувор йўналишига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси — инвестиция ва саноат соҳасидаги алоқалар. Ўмон сармоясини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш учун катта имкониятлар бор. Хусусан, энергетика, геология, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Бунда Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси — “UzOman” ҳам катта ўрин тутади.

Иккинчи муҳим йўналиш — транспорт ва логистика. Ўмоннинг Салала, Соҳар ва Дуқм портлари Ўзбекистон учун халқаро бозорларга чиқишда янги имкониятлар яратади. Айниқса, Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт йўналишини ривожлантириш экспортчиларимиз учун муқобил йўл бўлиши мумкин. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспорт қилаётган тадбиркорларимиз учун долзарб. Ўмон билан транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимизнинг узоқ муддатли иқтисодий манфаатларига мос келади.

Учинчи йўналиш — туризм ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар. Масқат — Тошкент йўналишида мунтазам авиақатновларнинг йўлга қўйилиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштириб, ишбилармонлар ва инвесторлар, шунингдек, сайёҳлар учун қулайлик яратади. Таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Қолаверса Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларимиз Ўмон сайёҳларида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Бунинг учун сайёҳлик ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, қўшма туризм дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Чунки халқлар бир-бирини яқиндан таниган сари ўзаро ишонч ва шериклик ҳам мустаҳкамланади.

Яна бир муҳим масала — парламентлараро ҳамкорлик. Давлат раҳбарлари даражасида эришилган келишувларни амалга оширишда парламентларнинг ҳам ўз ўрни бор. Хусусан, қонунчилик тажрибасини алмашиш, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва тадбиркорлар учун қулай ҳуқуқий шароит яратиш борасида икки мамлакат парламентлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Демак, Ўмон билан ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Мазкур давлат ташрифининг энг муҳим натижаси мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ишончнинг аниқ иқтисодий лойиҳалар билан мустаҳкамланишида кўринади. Янги инвестициялар, экспорт йўналишлари, транспорт имкониятлари ва ўзаро алоқалар ҳамкорликнинг ҳақиқий самарасини белгилайди.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Тақдимот

ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШ – ЭНГ ЯХШИ ТАНЛОВ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II қаламига мансуб “Сўнгги энг яхши имкониятимиз: таҳлика даврида тинчликка интилиш” (“Our Last Best Chance: The Pursuit of Peace in a Time of Peril”) китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев, Иорданиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Демия Зухайр Хаддад, давлат арбоблари, экспертлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Содиқ Сафоев ўз нутқида муаллиф томонидан илгари сурилган ғоялар халқаро муносабатлар билан бир қаторда парламент дипломатияси учун ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Бугунги зиддиятли жараёнлар шароитида очиқ мулоқот, ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлаш барқарор ҳамкорликни таъминлашнинг муҳим омили эканини қайд этди.

Китобда баён қилинган давлат бошқаруви, минтақавий ва халқаро сиёсий жараёнлар, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид қарашлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, бугунги мураккаб геосиёсий вазиятда тинчликни сақлаш, дипломатик мулоқотни кенгайтириш ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Муаллиф илгари сурган тинчлик, ўзаро англашув, мулоқот ва ҳамкорлик тамойиллари бугунги халқаро муносабатларни чуқурроқ англашга хизмат қилиши таъкидланди. Айниқса, китобнинг халқаро муносабатлар йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ёш тадқиқотчилар ва мутахассислар учун амалий ҳамда илмий аҳамиятга эга экани қайд этилди.

ИҚЛИМ СИЁСАТИДА ПАРЛАМЕНТЛАР РОЛИ



Туркиянинг Анталия шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси томонлар конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида Парламентлараро Иттифоқнинг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

Парламент дипломатияси

Унда Ўзбекистон делегацияси таркибида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова қатнашяпти.

Йиғилишда глобал иқлим мажбуриятларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашишда амалий натижадорликни таъминлаш ҳамда ушбу жараёнда парламентларнинг ролини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, иқлим сиёсатида парламентларнинг масъулияти ва етакчилик ролини кучайтириш, қабул қилинаётган қарорларга нисбатан жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ана шулар жумласидан.

Сенатор А. Тўйчиев йиғилиш доирасида бўлиб ўтган семинардаги маърузасида иқлим ўзгаришига қарши курашишда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш, сиёсий қарорларни илмий асосда қабул қилиш ва самарали иқлим сиёсатини шакллантириш масалаларига урғу берди.

Шунингдек, семинарда чиқиндиларни камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, “Ноль чиқинди” тамойилини жорий этиш, айланма иқтисодиётни ривожлантириш, метан чиқиндиларини қисқартириш бўйича зарур чора-тадбирлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ПОПНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШДА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ?

Ҳудудларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий ижроси, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш механизмларининг самарадорлигига эътибор қаратиш масаласи Олий Мажлис Сенати ва сенаторларнинг доимий эътиборида.

Ўрганиш

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ Наманган вилоятида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш фаолиятини ўрганди. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши ички назорат тизимининг йўлга қўйилгани, мансабдор шахсларнинг бу борадаги масъулияти, шунингдек, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда жамоатчилик назорати ва фуқаролар иштирокини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўрганишнинг асосий йўналишларидан бири — Поп туманини коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси бўлди.

Туманда коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавфларни камайтириш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳолати ўрганилди.

Шунингдек, ҳудудда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш, давлат бошқаруви ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали коррупциявий омилларни камайтириш имкониятлари таҳлил қилинди.

Ўрганиш якунида аниқланган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, масъул ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

1

Ўзбек ва Ўмон халқларини муштарак диний қадриятлар, меҳмондўстлик, бағрикенглик, катталарга ҳурмат ва анъаналарга садоқат каби юксак инсоний фазилатлар бирлаштириб туради. Ҳар икки халқ ўзининг бой тарихий меросини асраб-авайлаш баробарида, замонавий тараққиёт сари интилишда ҳам якдил. Ўмонликлар Ўзбекистонни Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино каби буюк мутафаккирлар юрти сифатида чексиз эҳтиром билан тилга олса, ўзбек халқи Ўмоннинг қадимий маданияти, тинчликсевар сиёсатига алоҳида ҳурмат билан қарайди. Ушбу маънавий яқинлик давлатлараро алоқаларнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.



Давлат ташрифи дастурида иқтисодий дипломатия марказий ўринни эгаллади. Сиёсий жиҳатдан юқори даражадаги ишонч муҳити яратилгани ортидан унинг реал иқтисодий лойиҳаларга конвертация қилиниши ташрифнинг энг муҳим ютуғи бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўмон Инвестициялар агентлиги президенти Абдусалом ал-Муршидий бошчилигидаги Султонликнинг энг йирик молиявий-саноат гуруҳлари ва корпорациялари раҳбарларини қабул қилди.

Ўмоннинг давлат инвестиция фонди ва етакчи хусусий холдингларининг давлатимиз раҳбари қабулида бўлганликлари бу мамлакатнинг бизнес элитаси Ўзбекистонни Марказий Осиё бозорига чиқишдаги асосий стратегик хаб сифатида кўраётганини англатади.

Музокараларда Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компаниясининг устав капиталини ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилингани икки давлат ўртасидаги сармоявий оқимларни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқади. Бу йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини тўғридан-тўғри ва тезкор молиялаштириш имконини беради.

Ташриф давомида Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қўшган улкан ҳиссаси учун Президентимизни Султонликнинг олий давлат мукофоти — “Ол Саид” ордени билан тақдирлади. Давлатимиз раҳбари ушбу юксак мукофотни бутун Ўзбекистон халқига ва мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстликка кўрсатилган эҳтиром сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Ўз навбатида, Президентимиз Ўмон Султонини сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан мукофотлади.

Масқатда ўзбек халқи етакчисига кўрсатилган юксак эҳтиром, айниқса, Президентимизга Ўмоннинг олий мукофоти топширилиши, йирик бизнес доираларининг ташрифда фаол иштироки ва аниқ ижро механизмларига асосланган иқтисодий келишувлар Ўзбекистон — Ўмон ҳамкорлигини яқин йилларда минтақалараро шерикликнинг энг намунали ҳамда самарали моделларидан бирига айлантириши, шубҳасиз.

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА БИРЛИК ТИМСОЛИ

1

Мактаб ва олий таълим муассасаларида, маҳаллаларда, оилада давлат рамзларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва фуқаролик масъулиятини мустаҳкамлаш мумкин.

Давлат байроғига ҳурматни ҳаётимиздаги амалий ишлар билан ҳам уйғунлаштириш зарур. Зеро, Ватанни севиш — фақат унинг рамзларини эъзозлаш билан чекланмайди. Бу юрт тинчлигини асраш, қонунларга риоя этиш, ҳалол меҳнат қилиш, жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўя билиш, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда ҳам намоён бўлади. Байроғимизда мужассам бўлган эзгу ғояларга муносиб яшашнинг асл мазмуни ҳам шунда.



Давлат байроғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳам унинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2023 йилда қабул қилинган қонунчилик ўзгартиришлари орқали фуқароларга давлат байроғидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда турли жамоат жойларида, уй-жойларда ва тадбирларда фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу эса давлат рамзига нисбатан фахр ва дахлдорлик туйғусини кундалик ҳаётда ҳам намоён этиш учун ҳуқуқий имконият яратди.

Миллий туғимизга ҳурмат — бу, аввало, давлат мустақиллигига, халқнинг тарихий танлови ва миллий қадриятларига ҳурмат. Шунинг учун уни асраб-авайлаш, муносиб тарзда намойиш этиш юксак масъулият. Ҳар бир юртдошимиз қалбида рамзларимизга нисбатан чуқур ҳурмат ва ифтихор туйғуси қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятимизда миллий бирлик, Ватанга садоқат ва умумий масъулият ҳисси ҳам шунчалик юксалиб боради.

Байроғимиз — миллий ғуруримиз, тарихий хотирамиз ҳамда мустақиллигимизнинг абадий тимсоли бўлса, уни эъзозлаш, улуғлаш ва унинг шаънига муносиб яшаш ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиз саналади.

Шуҳрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Масқатда чиқадиган «Duqm Economist» журналининг навбатдаги сони Президентимизнинг Ўмонга ташрифи муносабати билан Ўзбекистонга бағишланди. Унда Янги Ўзбекистон ислоҳотлари, буюк алломаларимиз мероси ва икки мамлакат ҳамкорлигининг янги босқичи ҳақида мақолалар эълон қилинган.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



1 Чегараларни белгилашда замонавий картографик материаллар, аэросуратлар ва давлат координаталари тизимига боғланган топографик хариталардан фойдаланилган.

Эътиборлиси, чегара чизиқлари ердан фойдаланувчиларга тегишли яйлов ва лалми ер майдонларининг яхлитлигини сақлаш, уларни табиий рельеф элементларига мувофиқ белгилаш тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Бу эса ер муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур қарор лойиҳаси маъмурий-ҳудудий чегараларни аниқ белгилаш фақат географик масала эмас, балки ер ҳисоби ва кадастр маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Чегараларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши келгусида туман ва шаҳарлар ҳудудларини аниқлаштириш, ер ва кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш ҳамда ҳудудий бошқарув самарадорлигини ошириш учун муҳим асос яратади.

Мажлисда қайд этилганидек, қарорнинг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ер ҳамда кадастр муносабатлари бўйича хизмат кўрсатишдаги мавжуд ноқулайликларни бартараф этиш, давлат органлари ўртасидаги ҳудудий ваколатлар аниқлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Қарор лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Миллий капитал бозори: адолатли рақобат, очиқлик ва шаффофлик

Депутатлар “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилди. Ушбу ҳужжат соҳани замонавий қонунчилик асосида тартибга солиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бозорда адолатли рақобат, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан капитал бозори воситалари турларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳосилавий молиявий воситалар, қопланган облигациялар, секюритизация, сукук ва барқарор ривожланиш облигацияларини чиқариш ҳамда уларнинг бозорда айланишини тартибга солувчи қоидалар белгиланмоқда. Шунингдек, лойиҳада капитал бозорида клиринг ва кастодиал хизматларни кўрсатиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар белгиланмоқда. Бу эса бозор инфратузилмасини замонавийлаштириш, унинг ишончлилигини ошириш ва инвестицияларни янада кўпроқ жалб этишга хизмат қилади.

Ҳужжатда капитал бозори инфратузилмаси ва профессионал иштирокчилар фаолиятини такомиллаштириш, ахборотни ошкор қилиш тартибини мустаҳкамлаш ҳамда мазкур жараённинг қонунийлигини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш ҳам белгиланган.

Жамол ОЧИЛОВ,
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:



— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида қўмитамиз томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, асосий тушунчалар, бозор иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштирилиб, бир-бирини такрорловчи нормалар қисқартирилди ва ўзаро боғлиқ қоидалар бир-бирига мувофиқлаштирилди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши капитал бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, инвесторлар ишончини ошириш ҳамда иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб қилиш учун янги имкониятлар яратади. Шу билан бирга, корхоналарнинг узоқ муддатли маблағ жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради ва капитал бозорининг мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришдаги аҳамиятини оширади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Мактабгача ва мактаб таълими ўртасидаги узвийлик кафолати

Мажлисда мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим ва тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, инновацион мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада таълим сифати ва қамровини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, “Таълим тўғрисида” ҳамда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида мажбурий бир йиллик мактабгача таълим тизими жорий этилган. Ҳозирда болаларни ушбу тизим билан тўлиқ қамраб олиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда. Шу боис мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам мактабгача ва мактаб таълимининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш муҳимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, қатор мамлакатларда болалар 5-6 ёшдан бошлаб умумий ўрта таълимга жалб этилади.

Ушбу ҳужжат бир йиллик мактабга тайёрловни мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида белгилашни назарда тутади. Бу орқали таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

Қонун лойиҳаси билан “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунларга мактабга бир йиллик мажбурий тайёрловни умумий ўрта таълим тизимига киритиш, уни мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида ташкил этиш, болаларнинг мазкур тайёрловдан ўтиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу мактабгача ва мактаб таълими ўртасидаги узвийликни таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ошириш ва уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш, Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеини ошириш ҳамда фуқароларга хорижий давлатдаги ўқиш фаолияти учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан қатор аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди. Муҳим таклифлар илгари сурилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокамадан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Депутат ва сенатор сўровлари ижроси бўйича мансабдор шахсларнинг масъулияти кучайтирилмоқда

Мажлисда депутатлар ташаббуси билан киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг сўровлари давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга, амалиётда давлат органларининг айрим мансабдор шахслари томонидан депутат ва сенатор сўровларини кўриб чиқиш муддатларига риоя этмаслик, уларни жавобсиз қолдириш ёки тегишли талабларни бузиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса мазкур институтнинг таъсирчанлигини ошириш ва мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини янада кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Қонун лойиҳаси билан парламент фаолиятини тартибга солувчи 4 та қонунга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, депутат ёки сенатор сўровини кўриб чиқишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари ёхуд бошқа талаблари давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Олий Мажлис палаталарининг Девонларига айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун судга мурожаат қилиш ёки айбдор шахсларга чора кўриш бўйича Бош прокуратурага тақдимнома киритиш амалиётини жорий этиш белгиланмоқда.

Шунингдек, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда. Яъни амалдаги кодекснинг 193-моддаси 2-қисм билан тўлдирилиб, унга мувофиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан 15 бараваригача жарима белгилаш таклиф қилиняпти.

Азиза АМИНОВА,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ундаги ўзгартиришлар мансабдор шахсларнинг депутат ва сенатор сўровларига масъулият билан ёндашишини таъминлаш, сўровларнинг ўз вақтида ва қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда халқ вакилларининг сайловчилар манфаатларини ҳимоялаш борасидаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш имкониятлари

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидландики, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан. Айниқса, сув ресурсларига талаб тобора ортиб бораётган шароитда ҳар бир куб метр сувдан самарали фойдаланиш, беҳуда сарфланишининг олдини олиш аграр тармоқнинг барқарор ривожланиши учун алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда сув тежовчи технологияларни жорий этишни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари шакллантирилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экин майдонларида замонавий суғориш технологияларидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Бироқ ушбу жараёнда айрим ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, сув тежовчи технологияларни ўрнатиш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш, уларни эксплуатацияга киритиш ва сервис хизматларини кўрсатишда юзага келаётган камчиликлар айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳаси билан ушбу муаммоларнинг ҳуқуқий ечими таклиф этилмоқда. Жумладан, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг манфаатини кўзлаб сув тежовчи технологияларни ўрнатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси судларга даъво аризалари киритишда давлат божини тўлашдан озод этишни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга, уларнинг фаолиятида ортиқча харажатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қўмита раисининг ахбороти эшитилади

Депутатлар Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Каттахонованинг “Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, оилавий муносабатларда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда бу борада масъул давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар томонидан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар, жиноятчиликка сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларини атрофлича муҳокама қилиш заруррлиги таъкидланди.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси — парламент назоратида

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раиси А. Уруновнинг “Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш, карантин тадбирларини олиб бориш ҳамда кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ чора-тадбирларни хавфсиз тарзда бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида”ги парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, жорий ўн ой давомида республика чегара ўтказиш пунктларида 155 мингдан ортиқ транспорт воситалари фитосанитария кўригидан ўтказилган, 36 мингдан зиёд ҳолатларда маҳсулотлардан намуналар олиниб, лаборатория текширувларига юборилган. Бу карантин объектларининг мамлакат ҳудудига кириб келишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, айрим чегара ўтказиш пунктларида аккредитациядан ўтган лабораториялар, замонавий зарарсизлантириш ускуналари ҳамда тегишли инфратузилманинг етарли эмаслиги назорат тадбирларини жойида ва тезкор амалга ошириш имкониятларини чекламоқда. Бу эса соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий диагностика имкониятларини кенгайтириш заруратини кўрсатади.

Парламент сўровига берилган жавобга кўра, соҳада хавфли кимёвий воситалар муомаласини тартибга солиш бўйича ҳам чоралар кўрилмоқда. Жумладан, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўта хавфли бўлган 40 та таъсир этувчи моддани рўйхатга олиш тақиқланган, яна 8 тасига чекловлар белгиланган. Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг улгуржи ҳамда чакана савдосини лицензиялаш тартиби жорий этилган.

Шунингдек, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ва фитосанитария назоратини рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ойбек ОТАМУРАТОВ,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:

— Муҳокама давомида аҳоли саломатлиги учун хавфларни камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, экспорт маҳсулотларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозимлигини қайд этдик. Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш, карантин тадбирларини олиб бориш, ўсимликларни ҳимоя қилиш масалалари биз, депутатларнинг доимий эътиборида эканлиги таъкидланган ҳолда кун тартибидаги мазкур масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.



Мажлисда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раисининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Болаларни зўравонликдан ҳимоялаш — умуммиллий масъулият

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. Оллоёровга “2026 — 2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясининг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида” парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни эрта аниқлаш, жабрланган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда болаларни жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликдан ҳамда ғамхўрлик кўрсатмасликдан, эксплуатация қилишдан ва таъқиб этишдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

2026 — 2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясида ҳам зўравонликдан жабрланган, шундай хавф остида бўлган ва ижтимоий хавфли аҳволда қолган болалар учун профессионал тутинган оила институтини жорий этиш, ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш, Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида “меҳрли оила” хизматини йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналарини мазкур хизматларга жалб қилиш ва оилавий муносабатларни тиклашга қаратилган бепул терапия хизматларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун қулай ва тушунарли механизмларни жорий этиш, кечаю кундуз ишлайдиган “Ишонч телефони” хизматини йўлга қўйиш ҳамда зўравонликдан жабрланган болаларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, зўравонликдан жабр кўрган болалар учун профессионал тутинган оила институтини жорий этиш, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида “мехрли оила” хизматини ташкил қилиш, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ҳақида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорига парламент сўрови юборилди.

Вазирга парламент сўрови юборилди

Депутатлар Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ташаббуси билан сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамроевга “Очиқ дренажлар ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда вазирликнинг сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга оид тегишли дастурларида белгиланган чора-тадбирлар доирасида 2025 йилда 303 км., 2026 йилнинг биринчи ярмида эса 170 км. узунликдаги коллектор ва дренаж тармоқларини қуриш ҳамда реконструкциялаш ишлари якунланган.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида ўтказган учрашувлари давомида соҳада айрим тизимли муаммолар сақланиб қолаётгани маълум бўлмоқда. Жумладан, 2026 — 2028 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 10 минг км. узунликдаги очиқ дренаж ҳамда коллектор тармоқларини ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳудудлар кесимида тўлиқ таъминланмаяпти.

Хусусан, 2026 йилги режага мувофиқ ташаббускорлар томонидан таклифлар келиб тушмагани сабабли Қашқадарё вилоятида 150 км. узунликдаги очиқ дренаж ва коллекторлар ёпиқ тизимга ўтказилмаган. Бу каби ҳолатлар бошқа ҳудудларда ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа амалга оширилгунга қадар ва ундан кейинги даврдаги сизот сувлари сатҳи, тупроқ шўрланиши ҳамда фойдаланишга қайтарилган ер майдонларига доир мониторинг маълумотлари очиқ манбаларда етарлича ёритилиши борасида ҳал қилиниши керак бўлган ишлар мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда уч йиллик дастур доирасида йиллик ва ҳудудий режаларнинг белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлигини таъминлаш ҳамда мавжуд кечикишларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ҳақида сув хўжалиги вазирига парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Фахр



87 БОР ОҚЛАНГАН ИШОНЧ

Чет мамлакатларда халқаро мусобақаларда иштирок этаётганимизда кўзимиз давлатимиз байроғига тушса, қалбимизни ажиб бир ҳаяжон чулғайди. Мовий осмон узра мағрур ҳилпираётган миллий яловимизга қараб, ўзимизнинг кимлигимизни, қайси юрт фарзанди эканимизни яна бир бор чуқурроқ ҳис этамиз. Ундаги ҳар бир ранг, ой ва юлдузлар бизга Ватанимизнинг буюк тарихи, халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари ва ёруғ келажагини эслатади. Дилимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради, юртимизга меҳр-муҳаббатимиз янада ортади.

Давлат рамзининг инсон руҳиятига бу қадар кучли таъсир кўрсатиши бежиз эмас. Зеро, байроқ қадимдан халқларни бирлаштирган, инсонларни ягона мақсад ва эзгу интилишлар йўлида жипслаштирган муқаддас тимсол саналади. Унда миллатнинг тарихи, орзу-умидлари, ғурури ва шаъни мужассам. Шу боис миллий яловга ҳар бир халқ учун ор-номус, шон-шараф ва миллий бирлик рамзи сифатида эъзозланади.

Кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида ўқувчиларимизнинг халқаро фан олимпиадаларидаги иштирокини кузатар эканман, уларнинг давлатимиз байроғига муносабатида ана шу туйғуларни қайта-қайта ҳис қилганман. Узоқ юртларда Ватан соғинчи билан яшаган, юртимиз номини жаҳон майдонларида шараф билан ҳимоя қилишга интилган ёшларимизнинг ҳар бир ғалабаси мен учун алоҳида эсда қоларли воқеадир.

> *“Байроғимиз — тарихимиз, бугунимиз ва келажагимиз тимсоли. Унда аждодларимиздан мерос ор-номус, бугунги авлоднинг ғурури ва эртанги кунга ишончи мужассам. Миллий туғи баланд элнинг руҳи ҳам баланд бўлади.”*

Лицейимиз ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида илк бор иштирок этган 2008 йилдан буён дунёнинг кўплаб мамлакатларида кимё ва биология фанларидан ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида жами 87 та медални қўлга киритди. Уларнинг 13 таси олтин, 25 таси кумуш, 49 таси бронза медалларидир. Энг муҳими, ана шу 87 та медаль — нуфузли халқаро майдонларда 87 бор давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, “Ўзбекистон!” деган ном ғурур билан янграганини англатади.

Албатта, бу ғалабаларнинг ҳеч бири осонликча қўлга киритилмаган. Улар замирида ўқувчиларнинг тинимсиз изланиши, билимга чанқоқлиги, устозларнинг машаққатли меҳнати, жамоамизнинг бир мақсад йўлидаги жипслиги ётади. Ҳар бир олимпиада — билим ва тафаккур синови, ҳар бир медаль эса ана шу синовдаги матонат ва қатъиятнинг ёркин ифодасидир.

Мен бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга бағишлаган инсон сифатида бир ҳақиқатга аминман: ҳар бир ўқувчи — алоҳида иқтидор, кашф этилишини кутаётган бир олам. Фақат унинг қобилиятини кўра билиш, қўллаб-қувватлаш, меҳр ва эътибор билан ривожлантириш лозим. Бугун Ўзбекистонда айнан шу мақсадларга хизмат қиладиган улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ёшларнинг пухта билим олиши, замонавий касбларни эгаллаши, илм-фан билан шуғулланиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини халқаро майдонда намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий лабораториялар, илмий изланиш ва тажриба-синовлар учун зарур шароитлар муҳайё этиляпти.

...Таълим даргоҳимиз олдида мовий осмон узра ҳилпираб турган байроғимизга ҳар куни назар ташлар экансиз, унинг бизга юклайдиган масъулиятини ҳам ҳис этамиз. Бу муқаддас тимсол бизга кимлигимизни, қандай буюк мақсадлар сари интилишимиз кераклигини эслатиб туради. Янги Ўзбекистонда яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш, ёшларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, юртимиз шаънини янада юксалтириш йўлида бизга куч ва ғайрат бағишлайди.

Аслида, инсонни юксак марралар сари етаклайдиган кучлар кўп. Аммо “Менинг ортимда Ватаним турибди!” деган туйғу ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Айниқса, хориждаги нуфузли беллашувларда бу ишончнинг кучи янада яққол намоён бўлади. Байроғимиз бағишлаган ғурур, мадҳиямиз уйғотган ҳаяжон, Ватанимиздан олинган руҳий мадад ёшларимизнинг қалбида ғолибликка ишончни мустаҳкамлайди.

Байроғимиз — тарихимиз, бугунимиз ва келажагимиз тимсоли. Унда аждодларимиздан мерос ор-номус, бугунги авлоднинг ғурури ва эртанги кунга ишончи мужассам. Миллий туғи баланд элнинг руҳи ҳам баланд бўлади. Уни юксакларга кўтариш эса фақат спортчилар ёки олимпиада ғолибларининг эмас, балки ўз меҳнати, билими ва фидойилиги билан Ватан равнақига ҳисса қўшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Ҳали олдимизда забт этиладиган марралар, қўлга киритиладиган ғалабалар кўп. Ишонаманки, ёшларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, дунёнинг энг нуфузли илм-фан шоҳсупаларида Ўзбекистон номини муносиб тарзда намоён этади. Биз, устозлар эса уларга билим бериш, йўл кўрсатиш, ишонч бағишлаш ва янги зафарларга руҳлантиришдан асло чарчамаймиз.

Насиб этса, ҳали байроғимизни жуда кўп мамлакатларда, халқаро майдонларда юксакларга кўтарамиз. Байроғимиз ҳар гал мағрур ҳилпираганда, юрагимиз фахр ва қувончга тўлиб, унга меҳр ила боқамиз. Чунки у — бизнинг Ватанимиз, ғуруримиз, ор-номусимиз тимсоли!

Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети 2-академик лицейи директори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

19 — 21 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «CAEx» кўргазма марказида қурилиш ва қурилиш материалларига бағишланган 3-халқаро «CAEx Build & Co. 2026» кўргазмаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 18 ноябрь

КЕЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Дунёнинг нуфузли спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграган лаҳзаларда ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуси жўш уради. Бу шунчаки спорт мусобақасидаги ғалаба эмас, балки халқимиз иродаси, ёшларимиз салоҳияти, Ватанимизда яратилган имкониятлар ва миллий ғуруримизнинг халқаро майдондаги ифодаси, десак, айни ҳақиқат.

Нуқтаи назар

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида изчил ривожланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, уларни профессионал спортга йўналтириш ҳамда халқаро мусобақаларга тайёрлашнинг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилаётир.

Бугун барча ҳудудларда барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари, олимпия ва паралимпия спорт турларига ихтисослаштирилган марказлар, маҳаллалардаги спорт майдончалари ёш авлоднинг жисмоний ҳамда маънавий камолоти учун муҳим замин яратмоқда. Спортчи ҳамда мураббийларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида жорий этилаётган имтиёзу имкониятлар эса ўзининг амалий натижаларини беряпти.

Бунинг яққол тасдиғини халқаро спорт майдонларида эришилаётган ютуқларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Япониянинг Аичи префектураси ва Нагоя шаҳрида ўтказилган XX ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчилари 21 та олтин, 25 та кумуш ва 24 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаган бўлса, Параосиё ўйинларида ҳамюртларимиз 45 та олтин, 49 та кумуш ҳамда 51 та бронза медаль билан учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ушбу натижалар ўзбек спортининг халқаро майдондаги салоҳияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Ҳар бир медаль ортида давлатимиз раҳбарининг эътибори, спортчининг йиллар давомидаги машаққатли меҳнати, мураббийнинг тажрибаси, ота-онанинг қўллаб-қувватлови ва бутун бир тизимнинг саъй-ҳаракатлари ётади. Айниқса, параспортчиларимизнинг матонати, қатъияти ҳамда юксак натижалари ёш авлод учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлмоқда.

Президент Олимпиадаси — кенг қамровли спорт ҳаракати

Спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, чемпионлар сафини янги иқтидорлар билан тўлдириш доимий изланиш ва самарали чора-тадбирларни талаб этади. Шу маънода, маҳаллалардан бошлаб иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни босқичма-босқич профессионал спортга йўналтиришга қаратилган Президент Олимпиадасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Бугун Президент Олимпиадаси мамлакатимизда ёшлар спортини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш ҳамда миллий терма жамоалар захирасини шакллантиришга хизмат қилаётган кенг қамровли спорт ҳаракатига айланди. Спорт турлари бўйича ташкил этилаётган беллашувларда ҳудудлардан келган минглаб ёш спортчилар ўз маҳорати, жисмоний тайёргарлиги, иродаси ҳамда ғалабага интилишини намоён этмоқда.



Давлатимиз раҳбари шу йил 27 октябрь куни Олимпия шаҳарчасида Президент Олимпиадасининг очилиш маросимида иштирок этиб, спортчи ёшлар, уларнинг устозлари ва ота-оналарига самимий табрик ҳамда миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда оммавий спортдан профессионал спортгача, иқтидорларни саралашдан халқаро мусобақаларга тайёрлашгача бўлган яхлит тизим шакланганини эътироф этди.

Қайд қилинганидек, сўнгги ўн йилда ўзбекистонлик спортчилар йирик халқаро мусобақаларда 5 518 та медаль, жумладан, 1 675 та олтин медални қўлга киритган. Бу аввалги ўн йилликдаги натижаларга нисбатан уч баравар кўп. Эътиборлиси, ушбу ютуқларнинг учдан бир қисми спортчи қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

> ***“Сўнгги ўн йилда ўзбекистонлик спортчилар йирик халқаро мусобақаларда 5 518 та медаль, жумладан, 1 675 та олтин медални қўлга киритган. Бу аввалги ўн йилликдаги натижаларга нисбатан уч баравар кўп. Эътиборлиси, ушбу ютуқларнинг учдан бир қисми спортчи қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.”***

Янги Ўзбекистон халқаро спорт мусобақалари марказларидан бирига айланиб бораётгани ҳам алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда жаҳон ва Осиё миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақалар ташкил этилди. Бу эса юртимизнинг спорт инфратузилмаси, ташкилий имкониятлари ҳамда халқаро ҳамкорлик салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, Президент Олимпиадаси иштирокчилари учун эълон қилинган янги имконият ва рағбатлар мусобақанинг аҳамиятини янада оширди. Жумладан, келгуси йилдан ғолиб ва совриндорлар учун пул мукофотлари миқдори оширилиши, Ўзбекистон рекордини янгилаган мактаб битирувчиларига спорт йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида имтиҳонсиз қабул қилиниши каби имтиёзлар белгиланиши ёшларнинг спортга қизиқишини кучайтиради. Ҳар йили Олимпиада ғолибларидан 50 нафарини хориждаги халқаро ўқувмашғулот йиғинларига юбориш, ғолибларга стипендия тайинлаш, спорт мактабларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, шунингдек, мусобақа қамровини кенгайтиришга қаратилган вазифалар ҳам белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ёш спортчиларимизга: “Ўзингга ишон! Ўз устингда ишла! Ўз юртингга муносиб бўл!”, деган даъвати нафақат мусобақа иштирокчилари, балки спорт соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мураббий, олим ва мутахассис учун ҳам дастуриламалдир.

Яна бир муҳим жиҳат, Президент Олимпиадаси доирасида ҳудудий раҳбарларнинг мусобақаларга ташриф буюриб, ёш спортчилар билан мулоқот қилиши, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ёш авлодга билдирилган ишонч, уларнинг меҳнати ҳамда интилишларига берилган муносиб баҳо келажакда янада юксак натижаларга эришиш учун кучли пойдевор бўлади.

Холис ҳакамлик — беллашувдаги адолат мезони

Юксак савияда ташкил этилган ҳар қандай спорт мусобақасининг муваффақияти спортчиларнинг маҳорати ва жисмоний тайёргарлиги билан бир қаторда ҳакамларнинг профессионал билими, тажрибаси ва холислигига ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, спорт майдонида адолатни таъминлаш, беллашувларни белгиланган қоидалар асосида бошқариш ва ҳар бир натижанинг ҳаққонийлигини кафолатлаш ҳакамлар зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилган Президент Олимпиадаси спорт мусобақаларида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети вакиллари мусобақаларнинг турли спорт йўналишларида ҳакамлик фаолиятини амалга ошириб, беллашувларнинг қоидалар асосида адолатли ташкил этилишига муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, Сув спорт турлари назарияси ва услубияти кафедраси мудири Иззатилла Исломов сузиш мусобақаларида бош ҳакам сифатида фаолият олиб борди. Унинг профессионал маҳорати ва мусобақалардаги самарали фаолияти эътироф этилиб, “Мусобақанинг энг яхши ҳаками” номинацияси билан тақдирланди.

Енгил атлетика ва мураккаб техник спорт турлари назарияси ва услубияти кафедраси мудири Ғафур Хўжамкелдиев бошчилигидаги профессор-ўқитувчилар енгил атлетика йўналишлари бўйича, Яккакураш спорт турлари назарияси ва услубияти кафедраси вакили Валихан Анашов ва бошқалар бокс ҳамда қиличбозлик мусобақаларида ҳакамлик қилиб, баҳсларни холис ва адолатли бошқаришга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Бу каби фаол иштирок университет профессор-ўқитувчиларининг нафақат таълим ҳамда илмий тадқиқот соҳасида, балки республика миқёсидаги йирик спорт мусобақаларини ташкил этиш ва бошқаришда ҳам катта тажрибага эга эканини яна бир бор намоён этди. Айни шу тажриба ва салоҳиятни янада ривожлантириш мақсадида университетда келгусида Ҳакамлар тайёрлаш институтини ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу ташаббусни амалга ошириш, унинг ташкилий ҳамда амалий асосларини шакллантириш, малакали ҳакамларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга қаратилган зарур чора-тадбирлар устида иш олиб борилмоқда.

Ташаббускорлик ва илмий ёндашув уйғунлиги

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жамоаси учун Президент Олимпиадасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки мусобақаларнинг республика босқичидаги бокс, қиличбозлик ва енгил атлетика бўйича беллашувлар университетимизнинг спорт мажмуаларида ўтказилди. Яъни мусобақалар университетимиз учун нафақат йирик спорт тадбирини ташкил этиш, балки илмий-педагогик салоҳиятимизни амалиёт билан уйғунлаштириш имконияти ҳам бўлди. Спорт иншоотларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, иштирокчилар учун зарур шароитлар яратиш, мусобақаларнинг юқори ташкилий савияда ўтишига эришиш борасида профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, мутахассислар ва талаба-ёшларимиз фаол қатнашди.

Айни пайтда университетимизнинг илмий салоҳияти ҳам ушбу жараёнларга йўналтирилди. Спортчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари, жисмоний тайёргарлиги, мусобақа жараёнидаги психологик барқарорлиги ва юкламаларга мослашуви мутахассисларимиз томонидан ўрганилиши келгусида спортчиларни тайёрлаш методикасини такомиллаштиришда илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий спорт фақат жисмоний куч ва маҳорат билан чекланмайди. У чуқур илмий ёндашув, замонавий технологиялар, тиббий-педагогик назорат, психологик тайёргарлик ва мукаммал тактик таҳлилни ҳам талаб этади. Шу боис университетимизда спорт таълими ҳамда илмий тадқиқотларни ўзаро уйғунлаштириш, мураббийлар малакасини ошириш, спортчилар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугунги кунда зиммамизда малакали жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларни тайёрлаш билан бирга мамлакатимиз спортининг эртанги кунини белгилайдиган иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришдек муҳим вазифа ҳам бор. Шу нуқтаи назардан, Президент Олимпиадаси мамлакатимиз спорт тизимидаги узвийликни таъминлайдиган муҳим босқичдир. Унда ўз иқтидорини намоён этган ёшлар келгусида халқаро мусобақаларда қатнашиш, миллий терма жамоалар захирасига кириш ва дунё спорт ареналарида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади.

Ишонамизки, бугун университетимизда таҳсил олаётган ёшлар орасидан эртага Осиё ва жаҳон чемпионлари, Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинлари ғолиблари етишиб чиқади, дунёнинг энг нуфузли спорт ареналарида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаради. Бунинг учун биз, спорт таълими ва илми соҳаси вакиллари ўз билим ҳамда тажрибамизни, илмий салоҳиятимизни ёш авлод камолоти йўлида янада кўпроқ сафарбар этишимиз лозим. Зеро, иқтидорли ёшларни кашф этиш, чемпионларни камол топтириш ҳаммамиздан фидойиликни талаб қилади. Шу маънода, Янги Ўзбекистон спортини янада ривожлантириш йўлида бор куч ва имкониятимизни ишга солиб, янги чемпионлар авлодини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшамиз.

Рашид МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, профессор.

ЛИМОНДАН ДАРОМАД, МЕҲНАТДАН ФАРОВОНЛИК

Учкўприк туманидаги “Катта Қашқар” маҳалла фуқаролар йиғинида лимончилик аҳоли учун барқарор даромад манбаи ва фаровонликнинг муҳим омилига айланган. Ушбу маҳалладаги 1 367 та хонадоннинг қарийб 900 тасида лимон етиштирилади. Ҳар йили минг тоннага яқин ҳосил олиниб, унинг салмоқли қисми экспортга йўналтирилмоқда.



Омилкорлик

— Бизда ишсизлик ёки меҳнат муҳожири сифатида хорижда юрганлар умуман йўқ, — дейди маҳалла раиси Абдурасул Набиев. — Боиси томорқадаги мўъжаз иссиқхонанинг ўзидан яхшигина даромад бор. Лимон йил бўйи парваришни талаб қилади, шунинг учун ҳам оиланинг ҳар бир аъзоси меҳнат билан банд бўлади. Табиийки, ўз ҳовлисида етарли даромад топаётган инсоннинг бошқа юртлардан иш излашига эҳтиёж йўқ.

Таъкидлаш жоизки, Учкўприк туманининг 15 га яқин маҳаллалари лимончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, ушбу тармоқ ҳудуднинг асосий ривожланиш драйверлари сирасига киритилган. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан замонавий совитқичли омборхоналар ташкил этилиб, транспорт-логистика хизматларининг йўлга қўйилгани етиштирилган маҳсулотни йил давомида хорижий бозорларга экспорт қилиш имконини бермоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЙЎЛ РАВОН БЎЛСА, МАНЗИЛ ҲАМ ЯҚИН

Бандихон туманида жорий йилнинг ўзида 58 километр йўл таъмирланди. Ана шу янгиланишлар жараёнида давлат аҳамиятига эга бўлган “D-162” Қумқўрғон — Кофрун — Бойсун автомобиль йўлининг 5 километри реконструкция қилиниб, замонавий талаблар асосида асфальт қопламаси ётқизилди. Бунинг натижасида кўп йиллардан буён аҳолига ноқулайлик туғдириб келган йўл муаммоси бартараф этилиб, ҳудудлар ўртасидаги транспорт қатнови сезиларли даражада яхшиланди.

Қулайлик

— Илгари бир тумандан иккинчисига бориш учун соатлаб йўл босишга тўғри келарди, — дейди меҳнат фахрийси Узоқ Мавлонов. — Йўлнинг йўл дегулик сиёғи йўқ эди. Эндиликда қатновимиз анча енгиллашди, вақт тежалмоқда. Мушкулимизни осон қилган йўлсозлардан миннатдормиз.

Дарҳақиқат, йўл инфратузилмасининг яхшиланиши аҳолига қулайлик яратиши билан бирга, ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ва турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ТРАНСПОРТ янгиликлари

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АВИАЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА



Марказий Осиё — жаҳоннинг энг жадал ривожланаётган авиация минтақаларидан бири. Таҳлилларга кўра, ўтган йилда минтақанинг бешта давлати авиакомпаниялари 31,7 миллион йўловчини ташиди. 2035 йилга бориб ушбу кўрсаткич 59 млн. нафарга яқинлашиши мумкин. Бу йилига ўртача 6,4 фоиз ўсишни англатади.

Ўзбекистон ҳам ушбу тараққиёт жараёнида салмоқли натижаларга эришмоқда. Айни пайтда юртимизда ўндан ортиқ маҳаллий авиакомпаниялар фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз авиапаркидаги ҳаво кемалари сони 110 тадан ошиб, ҳар йили ўртача 15 та янги ҳаво кемаси билан тўлдириляпти.

Бу ҳақда кеча Тошкент шаҳрида ўз ишини бошлаган VI халқаро Марказий Осиё авиация саммитида алоҳида таъкидланди.

Марказий Осиёда фуқаро авиациясини ривожлантириш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва янги бизнес имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ушбу саммитда Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларидан 300 нафардан ортиқ делегатлар, жумладан, 35 дан зиёд авиакомпания ва аэропортлар раҳбарлари, халқаро авиация экспертлари, лизинг ва молия институтлари, шунингдек, ҳаво кемаларини ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар вакиллари иштирок этди.

ТОШКЕНТДАН АСТРАХАНГАЧА



Шу йил 17 декабрдан бошлаб Тошкент — Астрахань — Тошкент йўналиши бўйича янги халқаро йўловчи поезд қатнови йўлга қўйилади.

Бу ҳақда Транспорт вазирлиги маълум қилди.

Янги темир йўл қатнови Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасидаги транспорт алоқаларини янада ривожлантириш, йўловчилар учун қулай ва муқобил ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳафтада бир марта белгиланган жадвал асосида ҳаракатланадиган ушбу янги қатнов икки мамлакат ўртасидаги йўловчи ташиш географиясини кенгайтириш билан бирга, аҳолининг темир йўл транспорти орқали халқаро сафарларни амалга ошириш имкониятларини ҳам оширади. Айниқса, Астрахань шаҳри ва унга туташ ҳудудларда истиқомат қилувчи ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юртдошларимиз учун ушбу йўналиш янада қулайлик яратади.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЗАМОНАВИЙ ЮК АВИАКОМПАНИЯСИ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Ўзавиация” агентлиги томонидан Люксембургнинг йирик юк авиакомпанияларидан бири — “Cargolux Airlines”га Ўзбекистон Республикасига мунтазам юк ташиш парвозларини амалга ошириш учун рухсатнома берилди.



Авиакомпания парвозларни Навоий халқаро аэропорти орқали “B747F” русумли юк ташувчи ҳаво кемаларида амалга оширади.

Мазкур қарор мамлакатимизнинг халқаро ҳаво юк ташиш бозоридаги иштирокини кенгайтириш, логистика имкониятларини ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг минтақавий транспорт-логистика маркази сифатидаги салоҳиятини мустаҳкамлашга туртки беради.

Маълумот учун: “Cargolux Airlines” компанияси Европанинг йирик юк авиакомпанияларидан бири ҳисобланади. Авиакомпания дунёнинг 70 дан ортиқ йўналишларида фаолият юритади ҳамда “Boeing 747-400F” ва “Boeing 747-8F” русумидаги юк самолётларидан фойдаланади.

«Халқ сўзи».

АҚШнинг машҳур «The Amazing Race» ва «Expedition Unknown» кўрсатувлари 2027 йилда Ўзбекистонда суратга олинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6